



Ўзбекистон Республикаси номидан
Х А Л Қ Ҳ У В Қ А Р О Р И

2022 йил 15 декабрь

PDF

Богот туман

4-2203-2202/2447-сонли иш

Богот туманлараро иқтисодий судья Д.Шарипов раислигида, судья ёрдамчиси Ж.Йўлдашев котиблигида, Богот туман Давлат солиқ инспекцияси биносига, очик сайёр суд мажлиси муҳокамасида,

Аризачи: Днинг

Жавобгар: Жнинг банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги аризаси бўйича ишни аризачи вакили И.Худайберганов (ишончномага асосан) иштирокида кўриб чиқиб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и:

Аризачи Д Богот туманлараро иқтисодий судига ариза билан муружаат қилиб, жавобгар Ж томонидан солиқ бўйича ҳисоботини белгиланган муддатда солиқ органига тақдим қилмаганлигини кўрсатиб, солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туришни сўраган.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 128-моддасида ажримнинг кўчирма нусхаси суд томонидан электрон почта орқали ёки хабардор қилинганлик фактини тасдиқловчи бошқа алоқа воситаларидан фойдаланган ҳолда юборилган кундан эътиборан уч кун ўтган бўлса суд томонидан тегишли тарзда хабардор қилинган деб ҳисобланади.

Бугунги суд мажлисининг ўтказилиш вақти ва жойи тўғрисида жавобгар қонунда белгиланган тартибда хабардор қилинган бўлсада, унинг вакили иштирок этмади, даъво ариза юзасидан фикр билдирмади.

Бундай ҳолда, суд ишни Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 128, 170-моддаларига асосан суд мажлисини жавобгар вакилининг иштирокисиз кўриб чиқишни лозим деб ҳисоблайди.

Аризачи вакили тушунтириш бериб, аризани тўлиқ қаноатлантиришни сўради.

Суд ишда иштирок этувчи аризачи вакилининг тушунтиришини тинглаб, иш ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, қуйидаги асосларга кўра аризани қаноатлантиришни мазкур тоифадаги низолар бўйича тарафларнинг давлат божи ва почта харажати тўловидан озод қилинганлигини инобатга олишни лозим деб топади.

Аризада баён қилинишича, солиқ тўловчи томонидан солиқ бўйича ҳисоботи белгиланган муддатда солиқ органига тақдим қилинмаган.

Шундан сўнг солиқ органининг солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банклардаги ҳисобварақлари бўйича операцияларини ўн кунга тўхтатиб туриш бўйича қарори қабул қилинган.

Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 82-моддасига асосан солиқ ҳисоботи солиқ тўловчи ҳисобга олинган жойдаги солиқ органига белгиланган шаклда қоғоз ёки электрон шаклда ушбу Кодексга мувофиқ солиқ ҳисоботига илова қилиниши лозим бўлган ҳужжатлар билан бирга тақдим этилади.

Солиқ кодексининг 273-моддаси талабига кўра солиқ тўловчилар, агар ушбу бобда бошқача қоида назарда тутилмаган бўлса, солиқ ҳисоботини ўзлари солиқ ҳисобида турган жойдаги солиқ органларига ўтган солиқ давридан кейинги ойнинг йигирманчи кунидан кечиктирилмаган муддатда тақдим этишлари шартлиги назарда тутилган.

Мазкур кодекснинг 111-моддаси талабига кўра солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг раҳбари (раҳбар ўринбосари) томонидан ўн кундан кўп бўлмаган муддатга қабул қилиниши мумкин. Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни ўн кундан кўп муддатга тўхтатиб туриш тўғрисидаги қарор солиқ органининг илтимосномасига асосан суд томонидан қабул қилиниши мумкин. Бунда солиқ тўловчининг

(солиқ агентининг) банк ҳисобварақлари бўйича операциялари суд томонидан қарор қабул қилинганга қадар тўхтатиб турилади.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш тўғрисида қарор электрон шаклда солиқ органи томонидан банкка юборилади. Бир вақтнинг ўзида солиқ органи томонидан солиқ тўловчининг шаффе кабинетига унинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар тўхтатиб турилиши тўғрисида хабарнома бунинг сабабларини кўрсатган ҳолда юборилади.

Юридик шахслар ва яққа тартибдаги тадбиркорларнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш солиқ органи томонидан мазкур солиқ тўловчиларнинг (солиқ агентларининг) солиқ мажбуриятлари бажарилишини таъминлаш учун қуйидаги ҳолларда қўлланилиши мумкин:

1) ушбу солиқ тўловчи (солиқ агент) томонидан солиқ органига молиявий ва (ёки) солиқ ҳисоботи бундай ҳисоботни тақдим этишнинг белгиланган муддати тугаганидан кейин ўн кун ичида тақдим этилмаганда;

2) солиқ тўловчи (солиқ агенти) томонидан солиқ органининг камерал солиқ текшируви натижалари бўйича талабномасига тушунтиришлар ва (ёки) тузатишлар белгиланган муддатда тақдим этилмаганда, шунингдек солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим этилмаганда;

3) солиқ текширувини ўтказаятган солиқ органларининг мансабдор шахсларини кўрсатилган ҳудудга ёки бинога (бундан турар жойлар мустасно) киришига тўсқинлик қилишда. Солиқ органи мансабдор шахсининг киришига тўсқинлик қилиниши унинг ўзи ва текширилаятган шахс томонидан имзоланадиган далолатнома билан расмийлаштирилади. Бундай далолатнома асосида солиқ органи банкдаги ҳисобварақлар бўйича операцияларни тўхтатиб туради;

4) солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) ўзи кўрсатган манзилда йўқлигида.

Шунингдек, Солиқ кодексининг 111-моддаси олтинчи қисмига кўра, солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонунчилигига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонунчиликка мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 68-моддасига асосан ишда иштирок этувчи ҳар бир шахс ўз талаблари ва эътирозларига асос қилиб келтираятган ҳолатларни исботлаши керак.

Аризачининг талаблари ишда тақдим қилинган ҳужжатлар ва суд муҳокамасида аниқланган ҳолатлар билан тўлиқ ўз исботини топганлиги сабабли суд аризани тўлиқ қаноатлантириб, солиқ тўловчининг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялари тегишли солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим қилинганга қадар вақтинчалик тўхтатиб қўйишни ҳамда тарафларнинг мазкур низо тоифаси ва шакли бўйича давлат божи ва почта харажати тўловидан озод қилинганлигини инобатга олишни лозим топади.

Бинобарин, Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодекси 82, 111, 273-моддалари ва Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодекси 68, 128, 129, 170, 217, 221, 222 моддаларини қўллаб суд,

қ а р о р қ и л а д и:

Ариза тўлиқ қаноатлантирилсин.

Жнинг банкдаги ҳисобварақлари бўйича операциялар Солиқ кодексининг 111-моддасига асосан солиқ тўловчи томонидан солиқ органи талаб қилган ҳужжатлар тақдим қилинганга қадар (ойлик иш ҳаққи ва мажбурий тўловлардан ташқари қисми) тўхтатиб турилсин.

Солиқ тўловчининг (солиқ агентининг) банкдаги ҳисобварақ бўйича операцияларнинг тўхтатиб турилиши фуқаролик қонунчилигига мувофиқ биринчи навбатда кўрсатилган тўловларга, шунингдек қонунчилигига мувофиқ ундирувга йўл қўйилмайдиган банклардаги ҳисобварақларга татбиқ этилмайди.

Мазкур ҳал қилув қарорида кўрсатилган камчиликлар бартараф қилингандан сўнг солиқ тўловчининг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни очиб бериш вазифаси солиқ идораси (аризачи) зиммасига юклансин.

Мазкур ҳал қилув қароридан норози тараф ўн кунлик муддат ичида Хоразм вилоят судининг иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят, прокурор протест келтириши мумкин.